



O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI


ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДБИЁТИ

3/2022

Г. Соатов

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЙОТИ
ВА ФOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФOLKLORI INSTITUTI



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Максуд АСАДОВ
Раҳматулла БАРАКАЕВ
Ғулом ИСМОИЛОВ
Наим КАРИМОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ
Сувон МЕЛИ
Ёркинжон ОДИЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Эргаш ОЧИЛОВ
(масъул котиб)

Гулчеҳра РИХСИЕВА
Шомирза ТУРДИМОВ
Боқижон ТҶҲЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алмаз УЛВИЙ
Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА
Жаббор ЭШОНКУЛОВ
Бердак ЮСУФ
Улугбек ҲАМДАМОВ
Хайрулла ҲАМИДОВ
Иброҳим ҲАККУЛОВ

3
2022

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2022

Манзилмиз:
100060, Тошкент, Шахрисабз тор кучаси, 5-уй
Телефон: (71) 233-71-44
E-mail: jurnal_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти
№ 3, 2022 йил.

Мухаррир Э. Очилов
Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома №0053

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"
Босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
Нурмакон кўчаси, 1-уй.
Қоғоз бичими 70x108, 1/16
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.
Шартли-босма табағи 8.5
Тираж 500 нусха. Келишилган нарҳда.

© Ўзбекистон Республикаси ФА, 2022 йил.

Кўринадики, аския ўзбек фольклорининг мустакил жанри, сўз санъатининг нодир намунаси сифатида асосан XX аср бошларидан илмий жамоатчилик эътиборига тушган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада узок вақт давомида ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажралмас қисми бўлиб келаётган аскиянинг ўзбек фольклоршунослигида ўрганилиши ҳақида сўз борлади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается изучение жанра аския в узбекском фольклоре, издавна являвшимся неотъемлемой частью узбекского фольклора.

RESUME. The article examines the study of askia in Uzbek folklore, which has long been an integral part of Uzbek folklore.

Таянч сўз ва иборалар: аския, халқ оғзаки ижоди, санъат, аския пайровлари, аския ижрочилари.

Ключевые слова и выражения: аския, фольклор, искусство, тематика аския, исполнители аския.

Key words and word expressions: askia, folklore, art, followers of askia, performers of askia.

Гулзода СОАТОВА

"МАОРИФ ВА ЎҚИТЎВЧИ" ЖУРНАЛИДА НАВОИЙ ИЖОДИ ТАДҚИКИ

Алишер Навоий ижоди ҳар доим мутахассислар диққат марказида бўлган. XX аср 20–30-йилларидаги адабиётшунос олимлар ҳам Навоий ижодига бефарқ бўлмаганлар. XX аср 20-йилларида фаолият юритган "Маориф ва ўқитғувчи" журналининг "Адабиёт", "Адабий тафтишлар", "Фанний текширишлар" бўлимида Абдусалом Ниёзий, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Исмоил Ҳикмат, А.Назм, Ф.Раҳмон каби ижодкорлар томонидан чоп этилган Навоий ижоди хусусидаги мақолалар бунинг далилидир.

Ашурали Зоҳирийнинг "Навоийнинг юбилейи ва таржимаи ҳолига янги бир саҳифа"¹ сарлавхали мақоласида 1927 йилда Навоийнинг таваллуд куни Ўзбекистонда нишонланмагани, шоирнинг муфассал таржимаи ҳоли тузилмагани, озар тили ва адабиёти ривожига у қадар ҳисса қўшмаган бўлса-да, Озарбайжонда Биринчи Бутуниттифок туркиятчилар курултойи кунларида тантанали юбилей қилинганлиги, 107 саҳифали таржимаи ҳоли ва асарлари илмий таҳлиллари билан бир китоб ҳолда нашр этилгани, бундан ташқари унинг "Вақфия", "Муншаот" асарлариши босиб тарқатилганини таъкидлаган ҳолда қуёниб, шундай ёзади: "Лекин биз, Навоийни каттамиздан кичигимизгача, саводдиларимиздан саводсизларимизгача билган, танигонимиз. Унинг тилидан, фалсафасидан ҳикматли сўз ва қочирмаларидан фойдалангонимиз ва лаззатлангонимиз ҳолда, унинг эҳтиромини жойига еткиза олмадик. Улуғ бобомизнинг юбилейисини яхшилаб қарши ола олмадик".

Ашурали Зоҳирий мақолада 1940 йилда Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш, уни муносиб ўтказиш, Навоий таржимаи ҳоли учун маълумотлар тўплаб, нашр қилиш, бунинг учун илмий марказ ҳузурида комиссия тузиб, Ғарб ва Шарқ навоийшунос олимлари тадқиқотларини пухта ўрганиш масалаларини кун тартибига қўяди.

¹ Ашурали Зоҳирий. Навоийнинг юбилейи ва таржимаи ҳолига янги бир саҳифа // "Маориф ва ўқитғувчи", 1927 йил 1–2-сонлар, 27–29-бетлар.

Мақолада келтирилишича, хижрий 904 йилда Хусайн Бойқаро ўгли ўзига қарши исён кўтаргани учун Ҳиротга Навоийни ташлаб, ўзи Марвга кетади. Ота-бола орасидаги келишмовчилик уч ой давом этади. Бу вақтда Навоий доимий орзуси ҳаж зиёратини адо этмоқчи бўлиб, Хусайн Бойқарога рухсат сўраш учун хат ёзади ва Ҳаким Абдулхайга мактубни бериб, шоҳ хузурига жўнатади. Шоҳ ҳам хат ёзиб, унинг бормаслигини, ҳозир вазият шунга тақозо этишини айтади. Ашурали Зоҳирий бу маълумотларни Навоий ҳақида ёзилган биронта китобда йўқлиги, буларни яқинда қўлига тушган бир китобдан олганлигини таъкидлаб, Алишер Навоий таржимаи холига бир янгилик бўлишини кўзлаб, иккала хатни ҳам мақолада келтиради. Навоийнинг 500 йиллик юблейигача бундай изланишлар олиб бориш учун бошқа ижодкорларни ҳам даъват этади.

Мақоланинг қимматли томони шундаки, Навоийнинг 500 йиллик юбилейини юқори савияда ташкил этиш учун аниқ кўрсатмалар бериш билан бир каторда Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатлари, Навоийнинг ҳаж зиёратига бориши масаласидаги хатни фанга маълум қилади. Таъкидлаш жоизки, Зоҳирийнинг ушбу мақоласи бугунги кунгача етарлича ўрганилган эмас.

Ашурали Зоҳирий маърифат ва истиқлол фидойиси, XX аср бошлари Туркистондаги маданий ва маърифий ҳаётнинг таникли намояндаларидан бири эди. У Навоий ижоди тадқиқотчиси сифатида Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" ва "Вақфия" асарларини нашр эттирган. 1914 йилда "Она тили" номли мақоласида Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асарининг ўзбек тили тарихи ривожига муҳим ўринга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади.

Абдурауф Фитратнинг "Маориф ва ўқитғувчи" журнали "Адабий тафтишлар" бўлимида чоп этилган "Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида"² сарлавҳали мақоласи ҳам илмий қимматга моликдир. У туркий тилда ҳам юксак савияда бўлган Навоий ижодиининг форсийда ҳам эътиборга молик эканлиги, жумладан, Давлатшоҳ, Жомий, Сом Мирзо, Ҳидоят, Хусайн каби форс тазкирачилари Навоийнинг форс адабиётидан таъсирланиб, кучли қалам эгаси бўлганлигини, бироқ Бобурнинг "Навоийнинг форсий шеърлари, туркий шеърларига кўра кучсиздир" деган маълумотларини келтириб, Навоий ижоди ҳақида мулоҳазалар билдиради. Навоийнинг форсий асарларига қўллаган "Фоний" таҳаллуси аслида "Фоний"ми ёки "Фаной"? – дейилган саволларга жавоб излайди. Фитрат "Тазкирачи Ҳидоят унинг таҳаллусини "Фаной" деса, Бобур эса "Бобурномада "Фоний" деб беради" деган маълумотларни келтириб, ўзининг қуйидагича мулоҳазасини келтиради: "Бироқ Навоийнинг ўзи "Лисон ут-гайр" китобидан шундай дейди:

*Форсий назм ичра чун сурдум қалам,
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам.
Файз етгач ул маонийдин манга,
Топди белгу назм "Фоний" манга".*

Кўринадики, Фитрат бу таҳаллусни Навоий ижодидан мисол келтириб, далиллашга ҳаракат қилади. Мақолада Навоийнинг форсча девони 6000

² Абдурауф Фитрат. Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида // "Маориф ва ўқитғувчи", 1926 йил 12-сон, 38-41-бетлар.

байтдан ортик эканлиги, унга бу борада Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Жомий устозлик қилгани, Салмон Соважийнинг байтига Навоийнинг эътирози, форсча девон ҳақидаги баъзи ноаниқликларга ойдинлик киритиш ва ундаги шеърлар таҳлили каби масалалар теран фикрлар билан ёритилган.

Ф.Раҳмоннинг Навоий ижоди ҳақидаги "Навоий. Чигатой адабиёти"³ номли мақоласи бирмунча соддарок ёзилган бўлиб, муаллиф ҳақида журнал мутасаддилари буни таъкидлайди: "Идоралан. Ёш илмий кучларимиз, айниқса, юқори мактабларда ўқувчи талабаларимиз турли адабий, илмий, адабий текшириш ишига оз уринадирлар. Маълум бир меҳнат материалларини матбуотга чиқаришдан кўрақадирлар. Шундай ёш кучларнинг юракларига далда бериш, матбуотга тортиш тилаги билан олий таълим-тарбия институти талабаси ўрток Ф.Раҳмоннинг шу мақоласини бошланғич тариқасида айнан босамиз. Бошқа ёш кучларимиз ҳам қўлларидаги илмий-адабий материалларини тап тортмай тўғри идорага юборсинлар".

Муаллиф мақолада Чигатой адабиёти, Навоийнинг устозлари, ёшлиги ва шеър билан машғул бўлиши, шоирнинг турк тили тарафида эканлиги, мусиқада устодлиги ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бериб ўтади. Мақоланинг "Навоийнинг турк тили тарафдорлиги" қисмида Навоий ва Биноий ўртасида кечган тортишувларга ҳам алоҳида урғу берилади: "Навоий билан Биноий орасида тортишишлар бўлур эди. Бу тортишишларни ҳазил-мутойибадан деб бўлмайди. Биноий ҳар вақт турк тилини ёмонлар, форс тилини ёқлар эди. Шунинг учун Навоий билан Биноий ораларида ҳар вақт тортишиш бўлиб келди. Ҳатто Биноий Навоийнинг ўлдуршидан кўриб, бир неча вақт Ҳиротни ташлаб қочиб юради...", — деган фикрлар келтирилади.

Боку университетининг шарқ факультети турк адабиёти тарихи мударриси Исмоил Ҳикматнинг "Навоийда лиризм"⁴ номли мақоласи Саккокий, Жомий, Лутфий, Атойи ва уларнинг издоши Навоий ҳақидаги фикрлар билан бошланиб, Навоий зулҳиссонин шоир эканлиги, унинг таҳаллуслари, Хусайн Бойқаро билан биргаликда ўтказган болалик чоғлари, шунингдек, муаллиф Навоийнинг қалбни яраловчи, ҳазин шеърларидан мисоллар келтиради ва ушбу шеърлардаги лирика, ҳаяжон, бир сўз билан айтганда лиризм ҳақида тўхталиб, бундай ёзади: "Навоий юрагида яшагон ва қонагон яширин бир яраси, бир ишқий бир ҳижрони бордир. Айтсак бўладики, турк адабиётининг жони, қалби бўлгон Фузулий у яралик фарёдларини чиқармоқ ва додламоқ учун энг жонли, энг гўзал, энг қалбий намуналарини Навоийда ҳам кўргандир".

*Бир тутар кўнглимда гирдундин жудо бўлгон бало,
Жондадур девона кўнглимдин хато бўлгон бало.
Истаманким, ишқ мендин ўзгани қилгай асир,
Ҳеч кишига бўлмасун, ё Раб, менга бўлгон бало.*

Муаллиф Фузулийни Навоий ижодидан ниҳоятда таъсирланиб ғазаллар битганини таъкидлаган ҳолда икки шоир шеърларини ўқиган киши булар орасида бир юрак бирлиги, бир алам бирлиги бўлганини англашда

³ Раҳмон Ф. Навоий. Чигатой адабиёти // "Маориф ва ўқитувчи", 1928 йил, 5–6 сонлар, 52–56-бетлар.

⁴ Ҳикмат И. Навоийда лиризм // "Маориф ва ўқитувчи", 1928 йил, 7-сон, 35–37-бетлар.

кийналмаслиги, умуман, икки шоир шеърларидаги ишк талқинидаги муштаракликлар мисоллар орқали ёритиб ўтилган.

Исмоил Ҳикмат (1889–1967) Истанбулда Мехмед Решадбей оиласида туғилди. 1923 йилда Боку университетида Турк адабиёти тарихи фанидан дарс бера бошлади. Шу даврдан бошлаб ижодкорнинг том маънода туркий халқларнинг классик асарларига кизиқиши кучайди ва Ўзбекистон, Доғистон, Озарбайжон, Туркменистон, Қрим каби давлатларнинг кутубхоналарига бориб, ушбу асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳаётини ўрганиш билан жиддий шуғуллана бошлади. Уни Навоий даври адабиёти ўзига ром этди. Бу давр вакилларига бағишлаб "Рисолайи Султон Ҳусайн Бойқаро" (Истанбул, 1945) номли рисоласини яратади, "Девони Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро "Ҳусайний" (Истанбул, 1946) асарини Туркия ва Сулаймония кутубхоналаридаги нусхалари асосида, "Лутфий девони" (Истанбул, 1960) китобини Бурса музейи кутубхонаси ва Париж, Ленинград кутубхоналаридаги нусхалари асосида тўлиқ шаклда нашр эттиради⁵.

Ф.Раҳмоннинг "Навоий. Чигатой адабиёти" ва Исмоил Ҳикматнинг "Навоийда лиризм" номли мақолалари хусусида Саодат Файзиева ўзининг "Ўлмас сиймо олимлар нигоҳида" номли мақоласида қимматли фикрлар билдирган⁶.

Абдусалом Ниёзийнинг "Фузулий билан Навоийнинг асарларида шакл ва маъноча мушобаҳат ҳам айрилиқ жиҳатлари"⁷ сарлавҳали озарбайжончадан таржима қилинган мақоласи "Турк адабиёти тарихи"дан олинган дарс намунаси бўлиб, унда Фузулий ва Навоий ижоди киёсланиб, улар ижодининг муштараклик жиҳатлари таҳлил қилинади. Фузулий ва Навоий ҳар иккиси ҳам буюк шоири эканлиги, иккиси ҳам энг порлоқ, энг нафис асарларини газал ва қасида шаклида ёзганлиги, улар ўз асарларида сўфий адабиётдаги ишқи башарийни тараннум этганлиги, ҳар иккиси ўз қасидаларини султонларга, сарой ахлига бағишлаганликларини кўрсатиб ўтади.

Умуман олганда, "Маориф ва ўқитғувчи" журналида нашр этилган Навоий ижодига бағишланган мақолалар, Навоий лирикасини, ички кечинмаларни тараннум этиш усулларини, адабий-эстетик қарашларини, ижодкорнинг ҳали бизга маълум бўлмаган қирраларини, янги-янги асарларини ўрганишда қимматли бўлиб, Навоийнинг миллий адабиётимиз ривожига тутган ўрнини белгилашда муайян даражада кўмак беради.

РЕЗЮМЕ. Мақолада XX аср 20-йилларида фаолият юритган "Маориф ва ўқитғувчи" журналидаги Навоий ижодига оид мақолалар таҳлили ва муаллифлари ҳақида мулоҳаза юритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализированы статьи о творчестве Навои, изданные в журнале "Маориф ва ўқитғувчи", приведены данные об их авторах.

RESUME. There is an analysis of articles on Navoi's work and comments on the authors.

Таянч сўз ва иборалар: Навоий, мақола, давр, адабий муҳит, журнал, адабиёт, дoston.

Ключевые слова и выражения: Навои, статья, эпоха, литературная среда, журнал, литература, поэма.

Key words and word expressions: Navoi, article, period, literary environment, journal, literature, poem.

⁵ <https://islamansklepidisi.org.tr>ert...>

⁶ Ф а й з и е в а С. 20-йиллар матбуотида Алишер Навоий // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. 3-китоб. – Тошкент: "Мумтоз сўз", 2014, 84–89-бетлар.

⁷ Н и ё з и й А. Фузулий билан Навоийнинг асарларида шакл ва маъноча мушобаҳат ҳам айрилиқ жиҳатлари // "Маориф ва ўқитғувчи", 1925, 4-сон. 72–75-бетлар.

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Н.Маҳмудов. Иборалар ва уларнинг луғавий тавсифига чизгилар.....	3
М.Саидхонов. Ишора феълларининг лексик-семантик гуруҳи ҳақида.....	14

Адабиётшунослик

И.Ҳаққул. Навоий шахси ва ижодий имкониятлари.....	20
С.Тўлаганова. Англаш изтироби ёхуд ёзувчидан миллатпарваргача.....	28

Илмий ахборот

Қ.Эргашев. Анбар отин лирикасига хос айрим хусусиятлар.....	34
Б.Ражабова. Бадиий тасвирдаги муштараклик ва ўзига хослик.....	38
Ф.Бурҳонова. Фольклор мотивларининг сюжет яратишдаги ўрни.....	44
С.Мадиримова. Мутриб Хонахароб ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши.....	47
Н.Қодинова. Адабиётшуносликда услуб масаласининг текширилиши.....	51
Ш.Жуманова. Усмон Азим балладаларида табиат тасвири.....	55
Ғ.Холбўтаев. Аскиянинг ўрганилиши хусусида.....	59
Г.Соатова. "Маориф ва ўқитувчи" журналида Навоий ижоди тадқиқи.....	62
Ф.Маматқулова. "Тоҳир ва Зухра" достонидаги шеъринг парчалар таҳлили.....	66
Ж.Маҳмудов. Паҳлавон Маҳмуднинг рамзий кабри ҳақида.....	72
Н.Мўминова. Илонч айтим жанри тадқиқи доир.....	76
М.Имомалиева. Амирий ижодида ирфоний мотивлар.....	80
Ф.Мусаева. Ўзбек диалектал лексикасининг номлаш тамойиллари.....	83
А.Саидноманов. Тиббий терминларнинг изоҳли луғатларда берилиши.....	89
Р.Сапаева. Ўзбек ва немис тилларида шаклан фарқланувчи фраземалар.....	96
Р.Мадаминова. Ҳофиз Хоразмий девонидаги форсча сўзлар.....	100
И.Ўразова. Сайфи Саройи ва Алишер Навоий асарларидаги баъзи фраземаларнинг қиёсий аҳлили.....	103
Ж.Норқузиёв. Хрономиларнинг формал хусусияти тадқиқи оид.....	107

Илмий-адабий мулоқот

Г.Қўйлиева, М.Али. Бадиий ижод жараёни сирлари.....	109
---	-----

Фанимиз заҳматкашлари

Н.Жумаҳўжа. Серқирра тадқиқотчи ва илм-маърифат ҳомийси.....	114
С.Раимова, Н.Эгамқулова. Бобоназар Муртазов.....	122
Ҳ.Ҳомидий. Устозлар файзи.....	124

Танқид. Такриз. Библиография

Р.Хидиров. "Маънолар хазинаси".....	126
-------------------------------------	-----

Илмий ҳаёт

С.Баратова. "Навоий тили луғати" тақдимоти.....	128
Иброҳим Ҳаққул.....	129
Эрали Шералиев.....	132